



Тасдиқлайман  
Сирдарё вилояти статистика  
бошқармаси бошлиғи  
Б.Батыров  
“3” декабрь 2020 йил

**Сирдарё вилояти статистика бошқармаси  
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш  
ва ижро интизоми назорати бўлими тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлимининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада тақомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори билан ташкил этилган ва Сирдарё вилоят статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) бўлими ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларга, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Сирдарё вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати масаласида ўз фаолиятини бошқарманинг тармоқ ва худудий статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигига амалга оширади.

**2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари**

6. Куйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) бошқармага келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини рўйхатга олиш, ижрочиларга етказиш, уларнинг ижро этилишини назорат қилиш, мурожаатлар бўйича тайёрланган жавобларни рўйхатта олиш ва уларни мурожаат муаллифларига юбориш, мурожаатларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда ушбу йўналишларда бошқарма ва худудий статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқарманинг расмий веб-саҳифаси орқали келиб тушган мурожаатларни

қонун ҳужжатлари талаблари асосида кўриб чиқилишини ташкил этиш, бошқарманинг ва худудий статистика бўлимларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

юклатилган асосий функциялар бўйича бошқарма ва худудий статистика бўлимларида бажарилаётган ишлар ҳолатини доимий таҳлил этиб бориш ва натижалари бўйича тезкор ахборотларни мунтазам равишда бошқарма раҳбариятига киритиб борилишини таъминлаш;

бошқарманинг тармоқ ҳамда худудий статистика бўлимларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва бу соҳада ижро интизомини таъминлаш масалалари юзасидан доимий мониторинг ўрнатиш ҳамда амалга оширилган ишлар натижаларини мухокама этиш учун таҳлилий маълумотларни ҳар чоракда бошқарманинг Кенгаш йиғилишига киритиб бориш;

бошқарма ва худудий статистика бўлимларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ташкил этиш, мазкур масалада иш юритиш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва қатъий назорат ўрнатиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини ташкил этишда электрон базани жорий қилиш ишларини ташкил этиш, бу йўналишда бошқарма ва худудий статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолияти бўйича маълумотлар базасини юритиш.

б) бошқарма ва худудий статистика бўлимларида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Хукумат қарорлари, Давлат статистика қўмитаси буйруқлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва назоратини таъминлаш ҳамда ушбу йўналишларда бошқарма ва худудий статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

бошқарма томонидан қабул қилинган буйруқларни бажарилишини доимий назорат қилиш ва мониторинг ўрнатиш, ушбу қабул қилинган буйруқлар ижросини таъминлаш бўйича худудий статистика бўлимлари томонидан назорат (чора-тадбирлар, ҳаракат, график) режаларини ишлаб чиқилиши ва ижроси таъминланиши юзасидан мониторинг ташкил қилиш ҳамда доимий назоратини олиб бориш;

бўлимда иш юритиш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш, келиб тушаётган корреспонденцияларни кўриб чиқиш ишларини амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ташкил этиш, бу борадаги фаолият юзасидан мониторинг олиб бориш ва назорат ўрнатиш;

Бошқарманинг тармоқ ва худудий статистика бўлимларида ижро интизомини таъминлаш масалалари юзасидан доимий мониторинг ўрнатиш, ижро назоратида бўлган ҳужжатлар бўйича кунлик маълумотларни бошқарма бошлиғига тақдим этиб бориш, бу борада олиб борилаётган ишларни тезкор ва бирламчи маълумотлар асосида кўриб чиқилишини таъминлаш учун ҳар ойда икки марта бошқарма бошлиғига киритиб бориш ҳамда амалга оширилган ишлар натижаларини мухокама этиш учун таҳлилий маълумотларни ҳар чоракда бошқарма Кенгаш йиғилишига киритиб бориш;

бошқарма ва худудий статистика бўлимларида хужжатлар билан ишлаш, ижро интизоми ҳамда архив фаолиятини ташкил этиш бўйича қабул қилинган меъёрий-услубий хужжатларни амалиётда кўлланилишини таъминлаш;

замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, келиб тушган корреспондентиялар билан ишлашни, ижро интизомини мустаҳкамлашни ва доимий назоратини олиб боришни ҳамда кирувчи ва чиқувчи хужжатлар бўйича маълумотлар базасини юритишни таъминлаш.

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

бўлимда иш юритиш, хужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлап юзасидан белгиланган вазифалар ижроси бўйича мониторинг ташкил этади, бу борада амалдаги қонунчилик хужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қиласи ва мувофиқлаштиради;

бўлим ваколатига кирувчи функциялар доирасида меъёрий-хукуқий хужжатларни янада такомиллаштириш ва хужжат лойиҳаларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига ва тегишли органларга киритиш бўйича таклифларни тайёрлашда иштирок этади;

бошқарманинг тармоқ бўлимларида жорий ва истиқболдаги иш режаларига мувофиқ, ўз ваколати доирасида тизимли равишда ва белгиланган муддатларда таҳлилий ва бошқа материалларнинг тайёрланиши ҳамда тақдим этилишини таъминлайди;

бошқарманинг идоравий архиви фаолиятини ташкил этиш бўйича ишларни мувофиқлаштиради ва назоратини амалга оширади;

бўлимга юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш борасида бошқарманинг тармоқ бўлимлари ва худудий статистика бўлимларига амалий методик ёрдам ва маслаҳат кўрсатади;

бошқарма ва худудий статистика бўлимларида хужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишини таъминлайди;

белгиланган тартибда ўзига юклатилган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

### **3-боб. Бўлимнинг хукуқлари ва жавобгарлиги**

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги хукуқларга эга:

бошқарманинг тармоқ ва худудий статистика бўлимларига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ҳамда маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳамда ижро интизоми назорати соҳасида самарадорликни ошириш юзасидан бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

бошқарма тармоқ бўлимларида хужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш, мурожаатлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш;

бошқарманинг тармоқ бўлимлари ва худудий статистика бўлимлари корреспондентиялар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли

бажарилишини ҳамда ҳужжатларни ижро этиш мурожаатларига риоя этилишини талаб қилиш;

бўлим томонидан мувофиқлаштириладиган йўналишларни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар юзасидан бошқарманинг тармоқ ва ҳудудий статистика бўлимлари ходимлари билан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиш;

бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишларда иштирок этиш.

#### 9. Бўлим қўйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа маълумотларни юқори даражада тайёрлаш; давлат статистика принципларига амал қилиш;

бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-хуқуқий ҳужжутларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

### **4-боб. Бўлимнинг тузилмаси**

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига бўлим бошлиғи, етакчи мутахассис, техника хавфсизлиги ва фуқаролар муҳофазаси 2-тоифали мухандиси, 1-тоифали иш юритувчи котиб(а), раҳбар котибаси ва архивариус киради.

11. Бўлим фаолиятига бевосита бўлим бошлиғи раҳбарлик қиласди.

12. Бўлим бошлиғи ва мутахассислари бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро назорати бўлими қўйидагиларни амалга оширади:

бўлимда иш юритиш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро назоратини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, Ҳукумат қарор ва фармойишлари, Давлат статистика қўмитаси буйруқ ва топшириқлари ҳамда умумий кўринишдаги кирувчи ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича фаолиятни ташкил этиш, бу борада амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

келиб тушган ёзма, оғзаки ёки электрон мурожаатни ўрганиб чиқиб, рўйхатга олиш, бошқарма раҳбарияти резолюцияси бўйича тегишли тармоқ бўлимларига ижрога юбориш ва назоратга олиш;

бошқармага келиб тушган ва чиқувчи ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиша индекслаш қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда йиғма жилларни номенклатура рўйхати асосида шакллантириш;

ижрочи томонидан тайёрланган жавоб хати билан танишиб чиқиш ва назоратдан олиш, зарур ҳолларда мурожаат этувчи билан телефон орқали боғланиб, мурожаатнинг қаноатлантирилганлигига аниқлик киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, Ҳукумат қарор ва фармойишлари, Давлат статистика қўмитасининг қарорлари, буйруқлари, назорат режалари ва ҳужжатлари, шунингдек вазирлик, идора ва ташкилотлардан келган ҳужжатларни рўйхатга олиш ҳамда ушбу ҳужжатларнинг электрон базасини юритиш, бу борада ишларни ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш;

бошқарманинг тармоқ ва ҳудудий статистика бўлимлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолиятни ташкил этиш, бу борада

ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича мониторингни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

бўлим ваколатига кирувчи ўз қарорларини қабул қилиш, уларни худудий статистика бўлимларига, жойлардаги аниқ ижро чиларга тезкорлик билан етказиш, шунингдек ижросини назоратга олиш;

бошқарма ва худудий статистика бўлимларида ҳужжатлар айланишини таъминлаш, ижро назоратини мустаҳкамлаш бўйича мониторингни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

юклатилган асосий вазифалар бўйича бошқарма ва худудий статистика бўлимларида бажарилаётган ишлар ҳолатини доимий таҳлил этиб бориш ва натижалари бўйича тезкор ахборотларни мунтазам равища бошқарма раҳбариятига киритиб борилишини таъминлаш;

бошқарма ва худудий статистика бўлимларида идоравий архив фаолиятини ташкил этиш, бу борада олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш ва назоратини амалга ошириш;

бошқарма ва худудий статистика бўлимларида ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш, архив фаолиятини ташкил этиш ишларини такомиллаштириш бўйича услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиша иштирок этиш ва амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

бошқармага келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ҳужжатларни сақланиши ва келгусида белгиланган тартибда идоравий архив сақловига топшириш ишларини амалга ошириш;

тизимли равища худудий статистика бўлимларида мақсадли ўрганишлар ўтказиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда, шунингдек қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишида (бошқармага тегишли қисми бўйича) иштирок этиш.

### **5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш**

14. Бўлимнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, бошқарма томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиша дастури, Сирдарё вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топширикларига мувофик, шунингдек бўлимнинг иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси бошқарма бошлиги томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиги томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлиги томонидан тасдиқланади.

### **15. Бўлим бошлиғи:**

бўлимга юкланган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасиниг қарорлари ва топширикларини амалга ошириш юзасидан

норматив-хуқуқий ҳужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

бўлимда бевосита раҳбарликни амалга оширади ва мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритади;

бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлиғига тасдиқлаш учун киритади;

бўлимда ҳужжатлар билан ишлапида, топшириқлар ижросини таъминлашда ҳамда ижро интизоми ҳолатини тизимли таҳлил қилишда “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича методик тавсиялар тўплами”да белгиланган тартибларга қатъий риоя қилади;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қилади, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва бошқарма раҳбариятига киритади;

бошқармага келиб тушган ҳужжатларни тўлиқ рўйхатдан ўтказиш, уларнинг аниқ ҳисобини юритиш, жумладан Давлат статистика қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамда бошқа ташкилотлардан бевосита, электрон почта орқали ҳамда “E-xat” электрон тизими орқали келган меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни, корреспонденияларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва идоравий ички электрон ҳужжат айланиш тизимига киритиш ва бу борада иш юритишни белгиланган тартибда назорат қилиб боради;

бошқарма йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек бошқарма раҳбариятининг топшириғига биноан бошқарма тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гурухлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

ҳар ойнинг иккинчи ва охирги жума кунлари бошқарма тизимида ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мониторинг якунлари юзасидан ўтказиладиган йиғилишда иштирок этади ва баённомада қайд этилган топшириқлар ижроси юзасидан мониторинг ўрнатади;

бўлим фаолиятига оид норматив ва методологик ҳужжатларини пухта ишлаб чиқилишини ташкил қилади;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, шунингдек бўлимга юкланган вазифалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

бўлим фаолиятига оид масалалар бўйича бошқарманинг тармоқ ва ҳудудий статистика бўлимлари раҳбарлари ҳамда мутахассисларига маслаҳат, услубий ёрдам кўрсатади;

бошқарманинг ҳудудий статистика бўлимларида ўтказиладиган комплекс ва мақсадли текширувларида иштирок этади ҳамда иш юритиш, ҳужжатларни рўйхатга олиш, ижро этиш ва сақлаш ҳолатини ўрганиб боради;

бошқарманинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёланишини таъминлайди;

норматив-хуқукий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизада қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

бўлим кадрлар заҳирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар заҳирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йигилишлар ўтказади;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибиға амал қилинишини таъминлайди.

бошқармага келиб тушган ҳужжатларни дастлабки кўриб чиқиш, уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларига белгиланган вазифалар тақсимоти асосида резолюция қўйиш учун киритади;

бошқармага келиб тушган “ХДФУ” ва “ХФУ” ҳужжатларини рўйхатга олиниши, ижро этилиши ва сақланишини таъминлаш бўйича назоратни амалга оширади;

бошқарманинг ижро интизомини назорати дастури электрон ҳужжатлар киритилган ижро назоратидаги ҳужжатларни белгиланган муддатда бажарилишини таъминлаш юзасида тармоқ бўлимлари бошлиқлари ва ходимлари билан тегишли ишларни олиб боради;

назоратга олинган ҳужжатлар бўйича доимий равишда таҳлилий ишларни амалга оширади ва ижро ҳолати бўйича кунлик, хафталик, ойлик ва чораклик маълумотларни бошқарма раҳбариятига киритиб боради;

бошқарманинг ҳудудий бўлимларида амалдаги тартибда белгиланган 1 ва 2-жадвалларни электрон ва имзоланган шаклларини белгиланган муддатларда олиниши ҳамда назоратга олинган ҳужжатларнинг ижроси бўйича доимий равишда мониторинг олиб борилишини назорат қилади;

бошқармада назоратга олинган ҳужжатларнинг ижроси бўйича чораклик ҳисоботларни (1 ва 2-жадваллар, тартиб асосида) тайёрланишини ва қўмитага тақдим этилишини таъминлайди;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини ошириш, иш услуби ва методларини, уни ташкил қилишни яхшилаш, ҳисбот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимларида иш юритиш йўриқномаларини, ишлар номенклатураларини тузишда, иш юритишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишида қатнашади;

ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирга риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи ва бўлимдан чикувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда бошқарманинг манфаатларини ифодалайди;

ижро назорати бўйича бўлим зиммасига юкланган функциялар ва вазифаларни бажариш ишлари ташкил этилишини таъминлаш;

хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ва жойларга белгиланган муддатларда етказиши назорат қилиш;

назоратдаги хат ва топшириқларнинг ижрога олинганлиги, ижродан чиқарилганлиги, тегишли жойга юборилганлиги ва бажарилиш ҳолати тўғрисидаги маълумотларни қатъий ҳисобини юритилишини назорат қилиш;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## **16. Бўлим етакчи мутахассиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, маълумотлар, хужжатларни сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

бўлимда хужжатлар билан ишлан, топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда ижро интизоми ҳолатини тизимли таҳлил қилишда “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларида хужжатлар билан ишлани ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича методик тавсиялар тўплами”да белгиланган тартибларга қатъий риоя қиласди;

бошқармага келиб тушган хужжатларни тўлиқ рўйхатдан ўтказиш, уларнинг аниқ ҳисобини юритиш, жумладан Давлат статистика қўмитаси, Вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлардан бевосита, электрон почта орқали ҳамда “E-xat” электрон тизими орқали келган меъёрий-хуқуқий хужжатларни, корреспондецияларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва идоравий ички электрон хужжат айланиш тизимига киритиш ва бу борада иш юритишни белгиланган тартибда назорат қилиб боради;

бошқармага келиб тушган хужжатларни дастлабки кўриб чиқиш, уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларига белгиланган вазифалар тақсимоти асосида резолюция қўйиш учун киритади;

бошқарманинг ижро интизомини бўйича электрон база назоратига киритилган ижро назоратидаги хужжатларни белгиланган муддатда бажарилишини таъминлаш юзасида тармоқ бўлим бошлиқлари ва ходимлари билан тегишли ишларни олиб боради;

назоратга олинган хужжатлар бўйича доимий равишда таҳлилий ишларни амалга оширади ва ижро ҳолати бўйича кунлик, хафталик, ойлик ва чораклик маълумотларни бошқарма раҳбариятига киритиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Вазирлар Маҳкамасиниг қарорлари, Давлат статистика қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги қарор, фармойиш, бўйруқлари ҳамда топшириқларида бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимларига тегишли топшириқларни

бажарилиши бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва маълумотларни атрофлича таҳлил қилган ҳолда умумлаштиради;

бошқармага келиб тушган “ХДФУ” ва “ХФУ” хужжатларини рўйхатга олиниши, ижро этилиши ва сақланишини таъминлайди ҳамда назоратини амалга оширади;

бўлимга юкланган масалалар бўйича бошқарманинг тармоқ ва ҳудудий статистика бўлимларига амалий маслаҳат ёрдами кўрсатади;

бошқарманинг буйруклари, иш тартиби (регламенти) ва бошқа қарорларида, шунингдек уларнинг ижроси юзасидан бошқарманинг тармоқ ва ҳудудий статистика бўлимлари, томонидан ишлаб чиқилган назорат (ҳаракат, чора-тадбирлар, график) режаларида белгиланган топшириқлар ижроси ҳолати бўйича мониторинг назоратини ўрнатади ҳамда умумлаштирган ҳолда таҳлилий маълумотларни тайёрлади;

бошқармада назоратга олинган хужжатларнинг ижроси бўйича чораклик ҳисоботларни (1 ва 2-жадваллар, тартиб асосида) тақдим этилишини таъминлайди;

бошқарманинг умумий мажлислари ва Кенгаш йиғилишларида, ҳар ойнинг иккинчи ва охирги жума кунлари бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимларида ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мониторинг якунлари юзасидан ўтказиладиган йиғилишда иштирок этади ва баённомада қайд этилган топшириқлар ижроси юзасидан мониторинг ўрнатади;

бошқармага келиб тушадиган ва жўнатиладиган хужжатлар билан белгиланган тартиб ва муддатларга биноан ишлайди ва уларни белгиланган манзилларга жўнатади;

белгиланган тартибга кўра, Назорат карточкалари (16, 26, 36) ни юритилишини таъминлайди;

бошқарманинг тармоқ ва ҳудудий статистика бўлимларида ўтказиладиган комплекс ва мақсадли текширувларида иштирок этади ҳамда иш юритиш, хужжатларни рўйхатга олиниши, ижро этилиши ва сақланиш ҳолатини ўрганиб боради;

Бўлим бошлигининг топшириғига кўра, келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида қайд этилган масалаларни кўриб чиқилишида зарур бўладиган маълумот ва хужжатларни тайёрлади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## **17. Бўлим 1-гоифали иш юритувчи котиб(а)си:**

лавозим йўриқномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда бўлимга тегишли бўлган ҳисботлар, маълумотлар хужжатларни сифатига, тўғрилигига ва ўз вақтида тайёрланишига шахсан жавоб беради;

бўлимда хужжатлар билан ишлашда, топшириқлар ижросини таъминлашда ҳамда ижро интизоми ҳолатини тизимли таҳлил қилишда “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларида хужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича методик тавсиялар тўплами”да белгиланган тартибларга қатъий риоя қиласди;

бошқармага келиб тушган хужжатларни тўлик рўйхатдан ўтказиш, уларнинг аниқ ҳисобини юритиш, жумладан Президент Девонидан, Олий Мажлисдан, Вазирлар Маҳкамасидан, вазирлик, давлат статистика қўмитаси, вилоят ҳокимлиги, идора ва ташкилотлардан бевосита, электрон почта орқали ҳамда “Е-хат” электрон тизими орқали келган меъёрий-хукуқий хужжатларни, корреспонденцияларни қабул қилиш, рўйхатдан

ўтказиш ва идоравий ички электрон ҳужжат айланиш тизимиға киритиш ва бу борада иш юритиши белгиланган тартибда назорат қилиб боради;

бошқармага келиб тушган ҳужжатларни дастлабки кўриб чиқиш, уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда бошқарма бошлиги ва унинг ўринбосарларига белгиланган вазифалар тақсимоти асосида резолюция қўйиш учун киритади;

бошқарманинг ҳудудий статистика бўлимларидан амалдаги тартибда белгиланган 1 ва 2-жадвалларни электрон ва имзоланган шаклларини белгиланган муддатларда олиниши ҳамда назоратга олинган ҳужжатларнинг ижроси бўйича доимий равишда мониторинг олиб борилишини таъминлайди;

бошқармага келиб тушадиган ва жўнатиладиган ҳужжатлар билан белгиланган тартиб ва муддатларга биноан ишлайди ва уларни белгиланган манзилларга жўнатади;

белгиланган тартибга кўра, Назорат карточкалари (16, 26 36)ни юритилишини таъминлайди;

йўриқномага мувофиқ ҳужжатларни, шу жумладан бошқарманинг буйруқларини, юқори ташкилотлар ҳужжатларини қабул қилиш, уларни рўйхатга олиш, ҳисобта қўйиш ва тегишли тармоқ бўлимларига берилишини амалга оширади;

Рўйхатга олинган ҳужжатларни раҳбариятга киритади, раҳбар топшириғу (резолюцияси)га асосан ижрочиларга етказади, танишириди ҳамда ижросини назоратга олади;

бошқарманинг буйруқларини рўйхатдан ўтказади, ҳисобини юритади ва сақлайди;

бошқарма томонидан давлат статистика қўмитаси, вилоят ҳокимлиги, корхона ва ташкилотларига юбориладиган хат ҳужжатларни ўз вақтида (почта орқали) “е-хат” орқали юборилишини ташкил қиласди;

бошқармада ижро интизомининг автоматлаштирилган назорати бўйича электрон база ижроси бажариладиган ҳужжатларни ўз вақтида маълумотлар базасида тартибга солиши мақсадида, бошқарманинг тармоқ ва ҳудудий статистика бўлимларида иш юритиш бўйича жавобгар этиб тайинланган ходимлар билан иш олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Вазирлар Маҳкамасиниг қарорлари, Давлат статистика қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги қарор, фармойиш, буйруқлари ҳамда топшириқларида бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимларига тегишли топшириқлари бажарилиши бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва маълумотларни атрофлича таҳлил қиласди ҳолда умумлаштиради;

бўлим фаолиятига оид масалаларда бошқарманинг тармоқ ва ҳудудий статистика бўлимларига тегишли маслаҳатларни бериб, амалий ёрдам кўрсатади;

Бўлим бошлигининг топшириғига кўра, келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида қайд этилган масалаларни кўриб чиқилишида зарур бўладиган маълумот ва ҳужжатларни тайёрлайди;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## 18. Бўлимнинг Техника хавфсизлиги ва фуқаро муҳофазаси 2 тоифали етакчи мухандиси:

Лавозим йўриқномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда бўлимга тегишли бўлган ҳисботлар, маълумотлар ҳужжатларни сифатига, тўғрилигига ва ўз вақтида тайёрланишига шахсан жавоб беради;

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун хужжатларига, бошқарма Низомига, бошқарма раҳбарининг буйруклари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қиласи;

“Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низом, мазкур Низом, вилоят статистика бошқармасида иш юритиш бўйича Йўриқнома, Давлат статистика қўмитасининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишланиш тартиби тўғрисидаги низом, бошқарма бошлигининг буйруклари, бошқарма бошлиғи ва унинг ўринbosарларининг топшириклари, ижро интизоми билан ишланиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурлари ва режалари ҳамда Бошқарманинг шахсий иш режаси асосида иш олиб боради;

бошқарма раҳбари буйруклари ва кўрсатмалари ҳамда бошқарма ходимларининг ички меҳнат тартиби қоидаларига амал қиласи;

фаолияти доирасидаги Ўзбекистон Республикасида амал қилинаётган барча қонун ва қонун ости меъёрий хужжатларни билиш;

фуқаролар муҳофазаси бўйича йиллик режаларни ўз вақтида ишлаб чиқади;

иш фаолиятига талуқли бўлган ўқув қўлланмалар, журналар, ўқув жадвалари, плакатлар, меъёрий хужжатлар билан таъминлаш ишларини олиб боради;

бошқарма ходимлари фуқаролар муҳофазаси бўйича (тасдиқланган жадвалга асосан) ўқув машғулотларини ўтказади;

тинчилик ва уруш вақтида фуқаролар муҳофазаси бўйича ўтказиладиган тадбирларда амалий ёрдам кўрсатади ва доимий унинг бажарилишини назорат қилиб боради;

доимо ўқув маълумотлар базасини янгилаб ва йигиб боради;

бошқарма биносида, маиший-хўжалик хоналари, мухандислик иншоатлари учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари, меъёрий хужжатлар талаблари асосида ёнғининг олдини олиш бўйича йўл-йўриқлар ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этади;

бошқарма ходимлари учун меҳнатни муҳофaza қилиш ва ҳавфсизлик техникаси бўйича йўл-йўриқ бериб тушунтириш ишларини олиб боради;

ҳар бир ишжойида меҳнатни муҳофaza қилиш, ҳавфсизлик техникаси, санитария-гигиена, ёнғиндан сақлаш қоидалари ва меъёрлари талабларининг бажарилиши устидан доимий назорат қилиб боради;

ходимлардан ҳавфсизлик қоидаларига риоя этишни назорат ва талаб қилиб боради;

ходимларни ток уришидан сақлаш, шунингдек электр токидан ёнғин чиқишининг олдини олиш мақсадида, электр тармоғининг изоляция қатлами яроқлиги тегиши меъёрий талаблар асосида синовда ўтказиб туришни таъминлаш ишларини назорат қиласи ва амалётга жорий этади;

бошқарма биносида носозликлар бўлганда, ходимлар соглигига ва ҳаётига ҳавф соладиган ҳолатларюзага келганда ёки бошқа бир фавқулодда ҳолатда, дархол ўрнатилган тартибда раҳбариятга ҳабар бериб беради;

бўлим бошлиғи томонидан берилган топшириқларни ижросини таъминлайди;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## **19. Бўлимнинг Раҳбар котиба (котиби)си:**

Лавозим йўриқномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда бўлимга тегишли бўлган ҳисоботлар, маълумотлар ҳужжатларни сифатига, тўғрилигига ва ўз вақтида тайёрланишига шахсан жавоб беради;

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, бошқарма Низомига, бошқарма раҳбарининг буйруқлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қиласди;

бошқарма раҳбарининг буйруқлари ва кўрсатмалари ҳамда бошқарма ходимларининг ички меҳнат тартиби қоидаларига амал қиласди.

қабулхонадаги иш вазифаси ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштириб бошқарма бошлигига имзо қўйдиришга олиб киради;

ташриф буюрувчилар билан хушмуомалада бўлади;

раҳбарнинг иш тартибига мос равишда ташриф буюрувчиларнинг қабулини ташкиллаштиради ва назоратга олади;

телефон қўнгироқларига ҳозир жавоб бўлиш ва зарур бўлганда раҳбар билан боғлаш ишларини олиб боради;

раҳбар томонидан ўтказиладиган кенгаш ва йиғилишга тайёргарлик ишларини бажаради ва тармоқ ва худудий бўлимларга етказади;

раҳбар кўрсатмасига асосан зарурий материалларни йиғиб боради;

тадбирлар ўтказиладиган жой ва вақти тўғрисида қатнашчиларни хабардор қиласди;

раҳбарларни қабулига келган жисмоний ва юридик шахслар вакиларини рўйхатга олиш ва тегишли журналга қайд этиб боради;

бевосита бўйсунувчи раҳбар томонидан берилган бошқа хизмат топширикларини бажаради;

раҳбарнинг аниқ мақсадга йўналтирилган топширигини маъсул ижрочиларга етказишни таъминлайди;

лавозим вазифаларини бажариш давомида қўллай олиши керак бўлган усуллар ва воситаларни билиб боради ва ўз устида ишлаб боради.

## **20. Бўлим архивариуси:**

Архивариус ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга ҳамда бошқа меърий ҳужжатларга ва мазкур низомга асосланиб иш юритади.

Функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, маълумотлар, ҳужжатларни сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

бўлимда ҳужжатлар билан ишлашда, топшириклар ижросини таъминлашда ҳамда ижро интизоми ҳолатини тизимли таҳлил қилинча “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ижро интизомини

мустаҳкамлаш масалалари бўйича методик тавсиялар тўплами”да белгиланган тартибларга қатъий риоя қилиб боради;

“Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низом, мазкур Низом, вилоят статистика бошқармасида иш юритиш бўйича Йўриқнома, Давлат статистика қўмитасининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом, бошқарма бошлигининг буйруқлари, бошқарма бошлиғи ва унинг ўринbosарларининг топшириклари ҳамда Бошқарманинг шахсий иш режаси асосида иш олиб боради;

бошқарманинг таркибий бўлинмаларидан хужжатларни белгиланган тартибда қабул қилиш, ҳисобини юритиш, тўлиқ сақланишини таъминлаш ишларини олиб боради;

қабул қилинган хужжатларни сақланиш муддатларига қараб доимий, вақтинча ва узоқ муддатлilarга ажратиб, йигма рўйхатини тузиб боради;

хужжатлардан фойдаланишни ташкил қилиш ва раҳбариятнинг руҳсати билан манфаатдор муассасалар ҳамда алоҳида шахсларнинг мурожаатига биноан, белгиланган тартибда ушбу хужжатлар бўйича маълумотномалар, нусхалар, кўчирмаларни белгиланган тартибда бериб боради;

хар бир йифмажилди таркибий бўлинма ходими иштирокида боғланган ҳолда икки нусхада тузилган рўйхат иловаси билан қабул қилиб олади;

муддати ўтган хужжатларни макулатурага топшириш учун ажратади ва ўрнатилган тартибда далолатнома ҳамда протоколлар тузади;

вазирликлар, идоралар, ташкилотлар вакилларига хизмат юзасидан ёки илмий ишлар мақсадида фойдаланишлари учун хужжатларни ажратади ва тақдим этади;

бошқарманинг таркибий бўлинмаларига вақтинча фойдаланиш учун бериладиган хужжатларни маҳсус китобларда ҳисобларини юритиб боради;

Давлат вилояти архив ишлари бошқармасига давлат архиви хужжатларни доимий сақлаш мақсадида белгиланган тартибда расмийлаштириб, топширилишини таъминлайди;

бошқарма ва худудий статистика бўлимларидаги архив хоналарининг ҳолатлари, Номенклатурага биноан хужжатларнинг сақланиши бўйича ўтказиладиган текширишларда иштирок этади;

жорий архив шаклланишини таъминлайди.

архивдаги муҳим хужжатларнинг қимматлилиги экспертизасини ташкил қиласди;

бўлим бошлигининг топшириғига кўра, келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида қайд этилган масалаларни кўриб чиқилишида зарур бўладиган маълумот ва хужжатларни тайёрлайди;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

